

# КИЙИМ ТАШҚИ ВА ИЧКИ ЎЛЧАМЛАРИНИНГ ЎЗARO БОҒЛАНИШИ

Наманган муҳанлислик технология институти  
доцент Ж.Қаюмов, магистрант Н.Урмонова

Фарғона политехника институти  
Ж.Орипов

Кийим кийиб турган одамга назар ташланса, унда кийимни тананинг айрим қисмларида бемалол туриши, баъзи қисмларида эса ёпишиб туриши кўзга ташланади. Кийимнинг танага ёпишиб турадиган жойлари таянч юзаси деб аталади. Кийимнинг таянч юзасидан пастроқда жойлашган қисмларида эса кийим ички юзаси билан одам танасининг орасида ҳаволи қатламлар ҳосил бўлади. Бу ҳаволи қатлам одамнинг бемалол ҳаракат қилишини ҳамда нафас олишини, шунингдек, кийимда муайян силуэтли шакл яратиш учун хизмат қилади. Ҳаволи қатламнинг қиймати кийим одам қоматига қай даражада ёпишиб туриш даражасига боғлиқ бўлади. Кийим одам қоматига ёпишиб турадиган, сал ёпишиб турадиган ва турли даражада бемалол турадиган бўлиши мумкин. Кийим қай даражада одам гавдасига ёпишиб туришидан қатъий назар, унинг ўлчамлари одам гавдаси ўлчамларидан каттароқ бўлади. Кийимнинг ички ўлчамлари билан ва уларга мос одам танаси юзасининг ўлчамлари орасидаги фарқ *тўқислик қўшимчалари* дейилади.

Кийимнинг ҳар бир конструктив участкадаги ўлчами шу участкадаги гавда ўлчам белгиларидан тўқислик қўшимча қийматига фарқ қилади. Шундай қилиб, кийимнинг исталган конструктив участкасидаги қийматини умумлашган формула тарзида қуйидагича ёзиш мумкин:

$$K_{yч} = \check{Y}_{бел} + K_{ум}$$

Бу ерда:  $K_{yч}$  – конструктив участканинг қиймати;

$\check{Y}_{бел}$  – ўлчам белгисининг (ёки айрим қисмнинг) қиймати;

$K_{ум}$  – қўшимчанинг умумий қиймати.

Қўшимчанинг умумий қиймати кийим чизмасини қуришда иккинчи асосий маълумотлардан бири ҳисобланади.

Қўшимчалар катта  $\Pi$  ҳарфи билан белгиланади. Бош ҳарфнинг индекси ушбу қўшимча тананинг қайси қисмига тааллуқли эканлигини билдиради. Умумий қўшимча минимал зарур (техник) ва декоратив-конструктив қўшимчалар йиғиндисидан ташкил топган.

Техник қўшимча одам танасига кийимнинг минимал босимли ҳолатида эркин ҳаракатланиши ва нафас олишини, кийим остида терининг нафас

олишини ҳамда иссиқлик алмашинуви учун ҳаво қатламининг мавжудлигини таъминлайди. Бу қўшимчага таъсир этувчи асосий факторлардан бири гавда ўлчамларининг динамикада (ҳаракатда) статик (тинч) ҳолатга нисбатан ҳамда нафас олганда бу ўлчамларнинг ўзгариши ҳисобланади.

Декоратив-конструктив қўшимчалар кийимнинг вазифасига, силуэтига ҳамда мода йўналишига боғлиқ бўлади. Улар кийимнинг ҳам кенглигига, ҳам узунлигига берилиши мумкин. Мураккаб моделларни яратишда бу қўшимчанинг қийматини намуна ёки макет тайёрлаб олмагунча аниқ билиб бўлмайди. Декоратив-конструктив қўшимчанинг қийматига мода йўналиши, моделнинг вазифаси, тўлалик, гавда бичими ҳамда ишлатиладиган газламалар ва қотирма материалларнинг қалинлиги таъсир қилади.

Маиший кийимлар ассортиментини лойиҳалашда декоратив-конструктив қўшимчалар кийимнинг турига ва мода йўналишига қараб тақсимланади. Катта ҳажмли буюмларни лойиҳалашда қўшимча асосий конструктив бўлақлараро текис тақсимланади. Ўрта ёки кичик ҳажмли буюмларни лойиҳалашда қўшимчанинг каттароқ қисми энг ўмизи кенглигига, кейин эса олд бўлақ кенглигига ажратилади (1-жадвал). Спорт ва махсус кийимларни лойиҳалашда қўшимчанинг каттароқ қисми энг ўмизига ажратилади.

### Асосий конструктив участкаларда декоратив-конструктив қўшимчанинг типик тақсимланиши

1-жадвал

Кийим тури	Олд бўлақ (% ҳисобида)	Энг ўмизи (% ҳисобида)	Орқа бўлақ (% ҳисобида)
Аёллар кийими	0,25-0,30	0,55-0,40	0,20-0,30
Эркаклар кийими	0,25-0,30	0,7-0,50	0,50-0,20

### Кўкрак, бел, бўкса чизиғига тўқислик қўшимчалари

2-жадвал

Буюм тури	Силуэтга боғлиқ ҳолда қўшимчаларнинг умумий қиймати, см								
	Ёпишган			Ярим ёпишган			Тўғри		Трапеци- ясимон
	П <sub>г</sub>	П <sub>г</sub>	П <sub>б</sub>	П <sub>г</sub>	П <sub>г</sub>	П <sub>б</sub>	П <sub>г</sub>	П <sub>г</sub>	П <sub>б</sub>
Кўйлак	5,0-6,0	2,0-4,0	1,0-1,5	6,0-7,0	4,0-6,0	3,0-5,0	7,0-9,0		9,0-11,0
Нимча	3,0-4,0	1,0-2,0	1,5-2,0	5,0-6,0	2,0-3,0	2,5-3,0			
Пиджак	6,5-7,0		2,5-3,0	7,5-9,5		4,0-6,0	10-11	6,0-8,0	
Жакет	5,5-7,0	3,0-4,0	1,5-2,5	6,5-8,0	5,0-7,0	3,0-4,0	7,5-10		7,5-12,0
Эркаклар енгил пальтоси	9,5-10,0		5,0-5,5	10,5-12,5		7,5-8,5	12-14	11-13	13,0-14,0
Аёллар енгил пальтоси	6,5-8,0	4,0-5,0	3,0-5,0	7,5-9,0	6,0-8,5	4,0-6,0	8,5-11		9,0-11,0

Ҳар йили кийимларни моделлаштириш ташкилотлари қўшимчаларнинг умумий қийматини мода йўналишини эътиборга олган ҳолда ўз таклифларини бериб борадилар. Классик услубдаги кийимлар, айниқса, эркаклар кийимлари учун қўшимчаларнинг қийматлари бир неча йиллар давомида етарли даражада турғун ҳолатда бўлиб туради. Қуйидаги 2,3 жадвалларда аёллар ва эркаклар кийимлари учун охириги ўн йилликдаги мода йўналишини эътиборга олган ҳолда қўшимчаларнинг қийматлари келтирилган.

**Белли кийимлар учун бел ва бўкса ярим айланалари ҳамда сон айланаси учун тўқислик қўшимчалари**

3-жадвал

Қўшимча берилган ўлчамларнинг номи	Шартли белгиси	Силуэтга боғлиқ ҳолда қўшимчаларнинг умумий қиймати, см					
		Зич ёпишган		Ёпишган		Эркин ҳолда	
		Эркаклар учун	Аёллар учун	Эркаклар учун	Аёллар учун	Эркаклар учун	Аёллар учун
Бел ярим айланаси	П <sub>т</sub>		0,5-1,0	1,0-1,5	1,0-1,5	1,5-2,0	1,5-2,0
Бўкса ярим айланаси	П <sub>б</sub>	0-0,5	1,0-2,0	1,0-2,5	2,0-3,0	3,0-7,0	5,0-8,0
Сон айланаси	П <sub>бел</sub>	0,5-1,0	1,0-1,5	7,0-11,0	6,0-10,0	12,0-16,0	10,0-15,0

Жадвалда берилган қўшимчалар қиймати типик гавдага, яъни 170, 176-96-82 эркаклар ва 158, 164-96-104 аёллар гавдасига мос бўлган гавдалар учун тавсия қилинади. Маълум бир силуэтга эга бўлган буюмнинг шаклини турли хил гавданинг ўлчам ва бўйлари учун кўриб идрок қилишда, кўкрак айланаси кичик ва катта бўйли гавдалар учун берилган қўшимчаларни 0,5 см га ошириш ҳамда кўкрак айланаси катта ва кичик бўйли гавдалар учун 0,5 см га камайтириш керак.